

Наврўзи олам муборак!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 3 (232)

2015 YIL, Mart

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан институт раҳбариятининг ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз устозлар, ҳурматли талабалар, институтимиз ишчи-хизматчилари ва ходимлари!

Аввало сизларни, сиз орқали барча яқинларингизни, оила аъзоларингизни яшариш ва янгилаш, меҳр-оқибат ва саховат рамзи бўлган Наврўзи олам билан табриклаб, ўзининг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман.

Наврўз азалдан урф-одатларимиз ва анъаналаримизни авлоддан-авлодга етказувчи, дилларга қувонч, йил бошида бошлаган ишларимизга барака бахш этувчи муқаддас кун сифатида нишонланиб келинган. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида, истиқлол йилларида азалий қадриятларимиз ва маънавиятимиз кўзгуси бўлган ушбу байрам қадр топиб, маънан бойиб борди.

Бу байрам шундай байрамки, бу кунларда гиналар унутилади, кишилар бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатадилар. Шу сабабдан ҳам йил боши сифатида нишонланадиган бу айём табиатни эъзлаш, миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат, ўзгалар дардига малҳам бўлишга хизмат қиладиган умумхалқ байрамига айланган.

Кўҳна Шарқ, хусусан туркий халқлар турмуш тарзида Наврўз байрами ўзининг чуқур маъназмани, халқаро фалсафаси билан бойиб, яшаб келаяпти. Наврўз кунларида табиат қўйнида ўтадиган сайил-у, томошалар, юртдошларимизнинг ҳар доимгидай ўзбекона лутф, саховат ва инсоний меҳр-муҳаббатга йўғрилган шод-у хуррамлиги ушбу байрамнинг азалий қадриятлар билан уйғунлашиб, урф-одатларимизнинг ажралмас қисмига айланганлигидан далолатдир.

Муҳтарам юртбошимиз ўзларининг «Юксак маъ-

навият - энгилмас куч» асарларида таъкидлаганларидек, «Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олийжаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир».

Наврўз нафақат баҳор элчиси, табиатнинг уйғониши, балки мустақиллигимизнинг ҳосиласи ҳамдир. Наврўзнинг умумхалқ байрамига айланиши одамларни табиат билан уйғун яшашга ундайди. Табиатга меҳр эса Ватанга муҳаббат демакдир. Юртимизга Наврўз кириб келди, у дилларга қувонч, умрларга нур, дастурхонларга тўкинлик, хонадонларимизга файз, юртимизга тинчлик олиб келди.

Наврўз нафаси уфуриб турган ушбу муборак айём тантаналарида ҳар биримизнинг қалбимизда улкан орзулар, эзгу ниятлар жамулжам. Ана шу соф ниятларимиз, янги-янги режаларимиз муваффақиятли якун топиши насиб этсин. Институтимизнинг ҳар бир аъзоси хонадонидан файз-у барака, тўкинлик, баҳорий хуш кайфият аримасин.

Барчангизни яна бир бор бегуборлик, гўзаллик, бағрикенглик, саховат ва меҳр-муруват айёми - Наврўзи олам билан самимий табриқлаймиз. Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз», деган тиллақлари бугунги ҳаётимиздан ўз ижобатини топсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, бошланган йилимиз баракали йил бўлсин!

Наврўзингиз билан, азиз дўстларим!

Жиззах Давлат педагогика институтининг ректори в.б. Неймат АЛИМОВ.

АХБОРОТ

«ИШИД ФИТНАСИ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

2015 йил 10 март куни институтимизда исломшунос олим Айдарбек Тулеповнинг «ИШИД фитнаси» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов, Тошкент ислом университетининг илмий ходими Абдурашид Абдуллаев, Тошкент шаҳар «Тухтабой» жоме масжиди имом-хатиби Исоқжон Бегматов, Жиззах вилоят бош имом хатиби Меҳмонали Жабборов, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва институт талабалари иштирок этишди.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ИНТЕРНЕТНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Институтда «Диний экстремизм ва интернетнинг салбий оқибатлари» мавзусида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ. Джабберганов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси ходими Жамшид Алиев, Жиззах вилоят бош имом хатиби Меҳмонали Жабборовлар иштирок этишди.

ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК - ВАТАН ОБОДЛИГИ УЧУН ЗАРУР ОМИДДИР

Институтимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари масъул ходимлари билан ҳамкорликда «Тинчлик ва тотувлик - Ватан ободлиги учун зарур омилдир» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан сўзга чиққанлар тинчлик ва тотувлик, ватанимиз ободлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар.

Б. ҚУДРАТОВ,
институт маънавий-маърифий бўлими услубчиси.



ЁШЛАР ШАҲАРЧАСИДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ



Аёл борки олам мунаввар!

Ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари билан бири, шонра Зулфияхонимнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ фактлар ҳамisha алабиёт ва шеърят ихлосмандларини қизиқтириб келган. Президентимиз И. А. Каримов шонра ҳақида шундай ёзди: «Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақл-зақоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят муҳлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак муболаға бўлмайди».

Маълумки, шаҳримизда Ҳамид Олимжон ва Зулфия уй-музейлари фаолият юритиб турибди. Мазкур музей Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 9 майни «Хотира ва қадрлаш кунини» деб эълон қилиниши муносабати билан Жиззах вилояти ҳокимининг қарорига асосан ташкил этилган ва Зулфия таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан қайтадан таъмирланган. Ушбу экспозицияда Зулфия ҳаёти ва ижодини акс эттирадиган 245 та экспонат ўрин олган.

Музейда Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳиндистонлик меҳмонларни Зулфияхоним томонидан қутиб олиниши ҳамда Ўзбекистоннинг миллий ифтихори бўлган пахта акси туширилган чинни идишлар билан табрикланганлиги акс эттирилган тасвирлар жой олган. Музейдаги суратлар жамланмасида Зулфияхоним қизи Хулқар билан, шоиранинг опаси Асолат опа, Зулфияхоним ижодий учрашув пайтида уста пахтакор Х.

Носиров ҳамда унинг ўғли Синдор Ҳамроқуловлар билан тушган суратлари ва шоира ижодининг толмас тадқиқотчиларидан бири Ориф Икромов суратларидан намуналар кўйилган.

дан намуналар ҳам ўрин олган. Музейдаги Бобурийлар томонидан бунёд этилган Тожмаҳал акси туширилган палак ҳиндистонликлар томонидан Зулфия опага эсталик совға қилинган.

Жиззахдаги Зулфия музейи

Шунингдек, музей фондида «Халқ сўзи» газетасида босилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан табриги» намунаси (Бу табрикда истиқлол руҳи билан яшаган Зулфия ижодига Юртбошимиз томонидан муносиб баҳола берилган), 1999 йили Аёллар йили муносабати билан Хулқар Олимжоннинг «Оила ва жамият» газетасида эълон қилинган «Бахтим шул Ўзбекининг Зулфиясиман» номли мақоласи ҳам мавжуд.

Бундан ташқари музей экспозициясида Зулфияхоним сиймоси туширилган мис баркаш (бу буюм мисгар Суюн Каримовдан Зулфия опага совға қилиб берилган. Мазкур баркаш шоиранинг ўғли О. Олимжон томонидан музейга тақдим этилган), бухороликларнинг миллий кийими, ҳиндистонликлар томонидан шоирага совға сифатида берилган кўкрак безаклари, стол жамланмаси, қончилар томонидан берилган совғалар-

Музей фондида илҳоми теран ижодкор Зулфиянинг ижодига берилган эътирофлар - орден-медаллар, давлат мукофотларидан намуналар ҳам қўйилган. Хусусан, шоира Ўзбекистон халқ шоираси (1965), Меҳнат қаҳрамони (1984), Халқаро Жавоҳарлаъл Неру (1968), «Нилуфар» (1971) мукофотлари ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари билан тақдирланган ва ушбу мукофотлардан айримлари мазкур музей фондида ўрин олган.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, Зулфияхоним қолдирган маънавий мерос ўзбек қизларини ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Зоир АҲМЕДОВ,
Самарқанд Давлат университети
илмий тадқиқотчиси.
Дурдона ИСМАТОВА,
ЖДПИ хорижий тиллар
факультети талабаси.

ЭЪТИРОФ

Аёли табиатнинг гўзал кашфиёти деймиз.

Муаллимни ҳаётимизни ёритган нур деймиз.

Аёл муаллима бўлсачи? У ҳолда икки буюк меҳр бир юракда жо бўлиб, меҳридарё зот бужуда келади.

Мен бунинг гўвоҳи бўлганман.

Устозимиз, ўзбек тили ва уни ўқитиш услубияти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Шаҳноза опа Алмаматова ана шундай оналик ва муаллимлик муҳаббатини

Эҳтиром

бир қалбга жо эта олган инсонлардан биридир. Аёл зоти, аввало, қалбдаги оналик меҳри билан биз эркалардан ажралиб туради. Айни шу жиҳат уларни биздан юксакроқ поғоналарга элтади. Шаҳноза опа дарсда ҳам, машғулотлардан ташқари ҳам ўз шогирдларига юксак оналарча муҳаббат билан муомала қилишлари, у кишининг ўз талабалари тақдири хусусида, уларнинг соғлиғи ҳақида (у ҳоҳ қиз бола бўлсин ёки ўғил бола) ўз фарзандларидек қайғуришлари билан биз шогирдларнинг қалбини забт этганлар.

Эсимда, иккинчи босқичда ўқиб юрган кезларимиз тўсатдан оғриб қолдим. Шамоллашим бироз кучайиб кетган эканми, бир неча кун машғулотларга қатнаша олмадим. Устоз Шаҳноза Алмаматова дарсга бормомаган илк кунимок кўнгирак қилиб ҳол-аҳвол сўрадилар. Учинчи кун эса (шу кунни ўқинишга чиққандим) дарсдан сўнг кўлимга бир елим халтача тўтиб бердилар:

- Бу тоза асал. Атай қишлоқдан олдириб келдим. Кунини икки-уч маҳалдан чой қилиб ичсангиз, шамоллаш чекинади. Соғлигингизга қаранг, ўғлим. Сиз эртанги кунда оила бошлиғи бўлишингиз керак!

Уша пайтда устознинг юксак салимияти олдида нима деб миннатдорчилик билдиришни билмасдим.

Мана, Шаҳноза опани устоз сифатида таниганимга икки йилдан ошиб кетди. Шу давр мобайнида юксак инсоний фазилатлар эгаси эканликларининг қайта-қайта гўвоҳи бўлганман. Ўзбек аёли, ўзбек опаси, бориники, ўзбек муаллимаси ҳақида сўз борганда кўз олдимда устозимиз Шаҳноза опа Алмаматова сиймоси намён бўлади.

Орифжон ОДИЛОВ,
«Зиё чашмаси» ходими.



Изланиш, мақсад, галаба...

хисса қўшаётган қизларимиз ҳам талайгина. Ана шундай талаба-қизларимиздан бири институтимизнинг ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси Моҳинур Исмоиловадир.

Моҳинур Исмоилова бадий адабиётнинг шеърят оламига болалигидан қизиқиб келади. Унинг «Таржимаи ҳол», «Сентябр», «Уриқзор», «Гулiveringнинг саёҳатлари. Лапута» каби шеърлари, шунингдек, «Пахтазорда ёзилган шеърлар» туркуми матбуотда мунтазам эълон қилиниб келинади.

Шоира қизимиз 2012 йилда «Юрт келажи» Республика танловига иштирок этиб муносиб галабани қўлга киритган эди. Республика маънавият ва маърифат кен-

гашининг 2013 йил 15 ноябрдаги 339-сонли мажлиси баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 18-бандига мувофиқ 30 январ кунини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган «Китобхонлар байрами» маданий-маърифий танловининг якуний босқичида ҳам иштирок этиб фахрли 3-ўринни қўлга киритиб қайтди.

Ёшларимиз ичидан ана шундай фаннинг турли соҳаларида илгор қадрлар етишиб чиқаётганлиги албатта, қувонарли ҳолдир. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!»

Латофат ИБРАГИМОВА,
ўзбек тили ва адабиёти факультети хотин-қизлар
кўмитаси бошланғич ташкилоти етакчиси.



Келинг, бугунги дилномамизни бир ривоят билан бошласак. Шоҳ Исқандар дунё бўйлаб юришини давом эттираётган эди. Навбат бир шаҳар-давлатга келибди. Анъанага тасалот бўлади. Бу ерда шоҳ-у гадо устозга бирдек ҳурматда бўлади. Демак, устозни қадрлаган кам бўлмайди.

Ана шундай қадр топган устозлардан бири Фания опа Аҳмедшинадир. Халқаро «Antique World» илмий академиясининг академиги, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Фания Авзаловна Аҳмедшина 1939 йил-

Асло ҳорманг, Фания опа!

ПРОФЕССОР ФАНИЯ АҲМЕДШИНА 75 ЁШДА!

нинг 29 сентябрида Бошқирдистоннинг Чекмагуш туманида зиёли оиласида таваллуд топган. Устоз 1956 йилда ЎзДУнинг тарих факультетига ўқинишга кириб, профессор Ю. Н. Алексеров раҳбарлигида Ўзбекистон ва Озарбайжон иқтисодий-маданий алоқалари тарихи мавзусидаги илмий ишнинг ёзишга киришади. Бу даврда устоз икки туркий республика - Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг қардошлик, биродарлик тарихи, иқтисодий, илмий-маданий алоқаларига бағишланган ўнлаб мақолалар ёзди. 1967 йилда устоз Фания Авзаловна Аҳмедшина СамДУ қошидаги илмий кенгашда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Ишга Озарбайжон оппонентлари ва Ўзбекистон олимлари юқори баҳо берадилар. Уша пайтда СамДУ ректори бўлган академик В. А. Абдуллаев ёш устозга илмий изланишларида оқ йўл тилайди. Устоз 1967-1995 йилларда Озарбайжон Фанлар Академияси тарих институтида илмий фаолият олиб борган. Ана шу ўттиз йил давомида устоз турли халқаро симпозиумлар, жумладан, Москва,

Санкт-Петербург, Рига, Вильнюс, Черновий, Кишинёв, Минск, Киев, Тбилиси ва Ереванда бўлиб ўтган умумиттифоқ конференция ва семинарларида фаол иштирок этади. Озарбайжон ФА тарих институтининг фундаментал тадқиқотларида иштирок этади, монография ва тадқиқотларида ҳаммуаллиф бўлади. 1991 йил устоз Фания Авзаловна докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Шу йилдан бошлаб устоз янги ташкил этилган Хазар университетининг профессори вазифасида талабаларга маърузалар ўқий бошлайди, илмий фаолиятини педагогик амалиёт билан боғлаб давом эттиради.

1995 йил устоз Фания Авзаловна турмуш ўртоғи, доцент Дадаш Бағишев ва фарзандлари билан Жиззах шаҳрига кўчиб келади. Шу йилдан бошлаб устоз Фания Авзаловна Жиззах Давлат педагогика институти умумий тарих кафедрасининг профессори, доцент Бағишев Дадаш Ҳасан ўғли инглиз тили кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсата бошлайдилар. Профессор устоз Аҳмедшина Фания Авзаловна тез орада билимдон олима, тажрибали педагог ва ташкилотчи ходим сифатида танилади. Устоз республика, вилоят ва шаҳар хотин-қизлари ташкилотларида маслаҳатгўй, ишбилармон аёллар кўмитасида фаол қатнашчи сифатида танилади. Ёш илм аҳллари бўлган иқтидорли талабаларга конференцияларда мақолаларини тайёрлаб, уларни илмий тўпламларда чоп қилишда раҳбарлик қилиш билан бирга «Қадимги дунё тарихи», «Тарих фани методологияси», «Жаҳон цивилизациялари» фанларидан маърузалар ўқийди. «Гендер асослари: назария ва амалиёт» мавзусида муаллифлик дастури асосида махсус курс олиб боради. Устоз раҳбарлик қилган иқтидорли талабалардан уч нафари жумладан, Носиров Бунёд, Жуманазаров Илҳом, Мирқомилова Нилуфар Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Унинг шогирдлари хозир давлатимиз ва чет элларда, хусусан, АҚШ, Германия, Австрия, Япония ва Франция мамлакатларида магистратураларда таҳсил олмақда.

Бахтим шуки, ўзбекнинг Зулфиясиман...

«Хаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу дунёда айрилиқ ва хижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилди»

Ислом КАРИМОВ.



Zulfiyaxonim
tavalludining 100 yilligi

Достоннавис шоира

XX аср ўзбек шеърятига улкан ҳисса қўшган шоиралардан бири. Шубҳасиз Зулфияxonимдир. У етук шоира ва жамоат арбоби бўлиш билан бирга, унинг ижодида достонларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Икки ўртоқ» (1946), «Мушоира» (1958), «Водил юлдузлари» (1965), «Сўроқлайди шоирни шеърим» (1965), «Кўёшли қалам» (1979), «Шарқнинг ўзи она бўлган ҳамиша» (1993), «Хотирам синиқлари» (1995) каби достонлари халқимизга яхши таниш. «Уни Фарҳод дер эдилар», «Сўроқлайди шоирни шеърим», «Кўёшли қалам» достонларида ҳаётда бўлган воқеалар, бор одамлар ҳақида сўз кетади. «Мушоира», «Водил юлдузлари», «Шарқнинг ўзи она бўлган ҳамиша» достонлари эса фалсафий ўй ва мушоҳадаларга бағишланган. «Хотирам синиқлари» асари Зулфияxonимнинг сўнгги достони бўлиб, достонда инсоннинг ўз хотираси олдидagi ўйлари, армон ва изтироблари қаламга олинган.

*Хуррият, келдингиз, наҳотки келдингиз?
Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим.
Ёмғирга бағриши тутган саҳродек -
Сенинг насиминга қалбимни тутдим.*

«Хотирам синиқлари» достони шу сатрлар билан бошланар экан, шоира қалби тўридаги бахтли туйғуларни йиллар давомида ўраб олган, йиғилиб ётган алам изтироблари ушбу асардаги бадний лавҳаларда гўзал тарзда ўз аксини топганини кўради.

Хўш, бу лирик достон не сабабдан дунё юзини кўрди? Зулфияxonим қўлига қалам тутган қандай сабаб? Шоиранинг бу достонни ёзишдан мақсади ҳақида беихтиёр ўйлаб қоламиз.

Шоира хотираларига назар солар эканмиз, достоннинг ёзилиш сабабларини топгандай бўламиз: «Оиламизда ёзма эсдаликлар, суратлар қолмаган ҳисоб. Фақат болалигим жуда беғубор, бахтиёр ўтганлиги учунми, бу эсдаликлар, бу суратлар менинг ёдим дафтарида яхлит ёзилган. Тўғри, биз бой яшамасдик, осон ҳам яшамасдик, фақат гўзал яшардик, тинч яшардик. Уйим деганда кўз олдимга онамнинг мулоийми, дониш нигоҳларидан сўнг чопқиллаб оқётган ариқ, шовуллаб куйлаётган тераклар келади. Тўрт акам бор эди, бир-биридан кўркам, кучли, мард йигитчалар. Отам пўлат қуёвчи эдилар. Мен отамнинг чўғдай пўлатни истаган шаклга сола олганларини, ундан турли буюмлар ясаганларини, бундан роса ҳайратга тушганларимни ҳам кечагидай эслаймман. Мана шулар менинг бахт деб атаганларим: юлдузлар ҳақида эртақ айтувчи онамнинг овози, отам, унинг қўлида жилмайиб тургандек қизғиш чўғ, ерга урса, кўкка сачрайдиغان акаларим...»

Шоира хотираларини достонда бирма-бир тиклар экан, ҳаётини синган кўзгу ортида кўргандай бўлади. Синиқ кўзгуда инсон ўз аксини парчаланган ҳолатда кўрар экан, шоира ҳам ўз ҳаётини, қалбини шу синиқлардек бўлакланган ҳолатда кўради, достонни ўқир эканмиз, шоиранинг кўнгил дунёсига ташриф буюргандек бўламиз:

*...Ака, кўзингизда оташ бор эди,
Ака, жонингизда кўёш бор эди,
Султонликка лойиқ келбат, лаёқат,
Сардорники янглиг бардош бор эди.*

Ҳеч кимга сир эмаски, тоталитар тузум тузуми душманлардан тозалаш ниқоби остида жуда кўплаб беайб, зиёли инсонларни қурбонларга айлантирди, бу шоира Зулфияxonимнинг оиласини ҳам четлаб ўтмаган. Унинг акаси Нормат Исроилов ҳам қатагон қурбонларидан бири бўлди.

БАЙРАМ ТАНТАНАСИ

Юнус Ражабий номидаги вилоят музикали драма театрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Бахтим шуки, ўзбекнинг Зулфиясиман» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Институтимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу адабий кеча ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган муҳаббатини янада оширишга хизмат қиладиган ажойиб маънавий-маърифий тadbирлардан

бири бўлди. Адабий кечани институтимиз ректори вазифасини бажарувчи Н. Алимов кириш сўзи билан очиб берди.

Адабий кечалда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими, шоира Умида Абдуазимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Озода Бекмуродова, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўнгилчиси раисаси Гулнора Тўраева ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Туроб Мақеуд иштирок этишди.

Адабий кечанинг бадний қисмида

ўзбек тили ва адабиёти ҳамда музикалий таълим йўналиши талабалари ҳамкорликда тайёрлаган шеър ва қўшиқлар томошабинларни ҳушуд этди.

Кеча якунида «Ниҳол» давлат мукофоти совриндори Зулхумор Мамарасулзода куйлаган «Ўзбекистон» қушиги тadbир иштирокчилари ва меҳмонлар қалбига тинчликка яна бир бор шукроналик туйғуларини уйғотди. Вилоятимиз бўйлаб нафосат куйчиси Зулфияxonимнинг таваллудига бағишланган мана шундай тadbирлар давом этмоқда.

Нигора ХАСАНОВА,
музикалий таълим
йўналиши талабаси.

*Мен кўёшли эл фарзандиман,
Бахтлиманки, ёниқ нафас ёр.
Ишқ ва хижрон оловларидан,
Омон чиққан қайноқ дилим бор.*

Зулфия замондошлари хотирасида

ТУЙҒУЛАРИ ТОЗА ШОИРА

Шоира Зулфиянинг адабиёт оламимиздаги овозини биринчи эшитганимда, биринчи шеърларини ўқиганимда илҳомнинг тозаллиги, ҳисларининг нафислиги, шеърларининг самимийлигидан суюнган эдим. Шоира ижодиёт машаққатидан завқ, нашъа туюб, халқ ила бирга, халқ юрагидан куйлаб яшайди. Иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларида ҳамшираларнинг ғам булутини чўккан қалбларидаги хижрон дардларини куйлайди. Ҳозир ер кўррасининг қайси қитъасида бўлмасин, ўзбек аёлининг бахтли, озода овозини ўз шеърларида янградиб юрибди.

Ойбек, 1965 йил.

ЧЎҚИДАН ЙИРОҚЛАР КЎРИНАДИ...

Сийратдаги гўзаллик инсоннинг доимий фазилатидир. Андиша, ҳаё-ибо, вафо бобидан нимаки билсак, бу ҳислатларнинг ҳаммаси халққа, ҳаётга бўлган муҳаббатдан эканини яхши тушунамиз.

Маънавий тайёрлиги бор киши шоирдан ҳиссиёт ва самимият кутади. Шеърдан завқ ва билим талаб қилади. Зулфия табиатидаги бир сифат шуки, шавқ ўти алангаламаса, самимият ёғдусини сочмасан шеър ҳам ёзмайди, сўзга ҳам чимайди.

Адабиёт муҳаббати шеърда ҳаловат берадиган санъатча латифлик, завқ, ўйлаб кўядиган янгилик кўргилари келади. Халқ кўнглидаги ҳислар Зулфия шеърятини доим бор, шунинг учун бу шеърлар севиб ўқилади.

Музайна АЛАВИЯ, 1975 йил.

АЖОЙИБ ШОИРА ОПАМИЗ

Фазилатлар сарчашмасида Зулфия опанинг шоиралик иқтидори турар экан, бу иқтидор шоирамизнинг номини жаҳонга танитган олий белгидир. Зулфия опа суҳбатларида, мақолаларида ўзларини гоёта камтарин тутиб, кам ижод қилганликларини чиройли бир наҳад билан айтиб турадилар. Бу гаплар чиндан ҳам камтарлик ва самимият туйғули айтилган. Лекин гап миқдорда эмаслиги барчамизга аён-ку. Зулфия шеърятининг салмоғи унинг анча мураккаб йилларда ҳам чинакам поэзия сифатларига содиқ қола олганлиги билан белгиланади. Масалан, адабиётда схематизмга ўхшаш оҳанглар авж олган йилларда Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган, чуқур инсонийлик билан сугорилган дардчил шеърлари яратилди. Бу шеърларга ўз вақтида бир оз ҳадиқсираб қараган танқидчилар ҳам учраган. Балки ўша йилларда шундоқ ҳоллар бўлиши табиийдир. Лекин давр ва адабиёт тараққиёти шеърятимизни шонли йўлга - Зулфия ижодини безаб турган шеърини туркумлар йўлига олиб чиқди. Зулфия опанинг кейинги йилларда яратган шеърларида эса фалсафийлик гоёта теранлашиб бораётди. Бу каби фазилатлар поэзиянинг ўлмаслигини таъминлайдиган ноёб унсурлардир.

Абдулла ОРИПОВ, 1995 йил.

МЕҲНАТСЕВАР ЮРТ ҚИЗИ

Кўз ўнгимда Зулфия шеълари асосида яратилган Ўзбекистон достони намоён бўлди. Ўқийман, зехн соламан, яйрайман: меҳнатсевар, саховатли туйғу ва маънавий бой халқ билан бирга унинг қизи Зулфия камол топди ва ҳануз юксалишда. Яшнаган ўлка-Ўзбекистон боғлари аро Зулфия қўшиқлари янграйди.

Эди ОГНЕЦВЕТ, 1981 йил.

Институт хабарлари

Академия ходимлари билан учрашув

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини талаба ёшларга ўргатиш орқали уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш масаласи юзасидан институтимизда кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни институт маънавий-маърифий ишлар проректори А. Тангиров очиб берди. ИИВ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар цикли бошлигининг ўринбосари, подполковник Н. А. Холйигитов сўзга чиқди.

Мажлис иштирокчилари ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Х. МУҲАММАДИЕВ,
институт маънавий-маърифий бўлими услубчиси.

Мансабдорлик ва коррупцион жиноятларни содир этишнинг криминоген фактлари, уларни вужудга келтирувчи сабаб ва шароитлар

Институтимизда «Мансабдорлик ва коррупцион жиноятларни содир этишнинг криминоген фактлари, уларни вужудга келтирувчи сабаб ва шароитлар» мавзусидаги йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора-

(Боши 2-саҳифада)

ларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Жиззах давлат педагогика институти ректори в.б Н. Алимов очиб берди.

Сўзга чиққан нотикалар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртбошимиз И. А. Каримов томонидан ислохотларни амалга ошириш борасидаги асосий тамойиллардан бири сифатида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида конституция ва қонулар устуворлиги, яъни қонунийлик тамойилига алоҳида эътибор берилганлиги, Президентимизнинг бу борадаги ҳаракатлари мамлакатимиз тараққиёти учун фоят катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги ва қонунийлик тамойили бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, турли хил миллатлар тотувлиги ва иноқлиги, иқтисодиётнинг бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаётганлигини таъкидлаб, мисоллар билан асослаб бердилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан сўзга чиққан вилоят прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича катта тўғривчи У. Кулиев ўз фикрларини билдириб ўтди, институт ректори в.б Н. Алимов ва ижтимоий фанлар кафедраси муdiri профессор Б. Очилвалар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Диёрбек АБДУХОЛИҚОВ,
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси.

Профессор

Фания Ахмедшина 75 ёшда!


Асло ҳорманг, Фания опа!

Ф. Ахмедшина кейинги йилларда ҳам Ўзбекистон халқлари тарихи, қадимги дунё тарихи ва жамият тараққиётида Гендер тенглиги муаммоларига бағишланган тадқиқотлари йўналишида 6 та қўланма, 30 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган. Шунингдек, устоз халқаро симпозиумларда, республика илмий-амалий конференцияларида, семинарларда маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Устознинг илмий ва педагогик фаолияти ҳукуматимиз томонидан тақдирланган. Устознинг хизматлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жиззах вилоят ҳокимлиги, институт раҳбарияти томонидан фахрий ёрликлар, Халқ таълими аълочиси нишони билан тақдирланган.

Инсон ҳаётида бахтли лаҳзалар кўп бўлади. Лекин ана шундай лаҳзаларни хаёлдан ўтказганда уларнинг айримларини кишига битмас-туганмас завқу-шавқ ато этади. Устоз профессор Ф. А. Ахмедшина илм билан машғул бўлган давларини ҳаётнинг энг гўзал лаҳзалари деб билади. Бу лаҳзалар устозга роҳату фароғат бахш этади, жамият равнақига ва илм тараққиётига етарлича ҳисса қўшаётганини мана шу лаҳзаларда янада теран тушуна бошлайди. Бугунги кунда устознинг хонадони чинаккам маънода зиёлилар оиласидир. Бу хонадонда вояга етаётган набиралар ҳам ўзларини эл-юрт хизматига чоғлашяпти. «Олимлар хизмати мангу қолади» деган ибора бор. Шу ўринда айтиш жоизки, унинг илм-фан ривожини йўлидаги хизматлари келгуси авлодлар учун ибрат бўлиб қолажак. Зеро шоир айтганидек:

Сиз шундай инсонки, бемисл танҳо,
Асл юрагингиз гардсиз, бегубор.
Сиз бахтли аёлсиз, чунки сиздаги -
Самимий, пок қалбнинг ўзи бетакор.

Раимбой ЁРМАТОВ,
Зонр АҲМЕДОВ,
тарих факультети ўқитувчилари.



СУМАЛАК САЙЛИ

Халқимизда минг йилликлар давомида шаклланиб, сайқал топган анъаналар бисёр. Мана шундай гўзал удумларимиздан бири сумалак сайлидир. Сумалак таоми шарқ халқларида муқаддас таом бўлиш билан биргаликда, тинчлик-тотувлик, янги кунга ишонч, дўстлик, бағрикенглик каби умуминсоний фазилатлар рамзи ҳамдир.

27 март кунин институтимизда раҳбарият ташаббуси билан сумалак сайли маънавий тадбири ташкил этилди. Суратда ушбу сайилдан лавҳалар берилмоқда.

Зулфизар ТАШАНОВА,
инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

ҲАЪЗҲИМ

Устоз Дўстқул Ботиров 60 ёшда!



Ажойиб инсон, истеъдодли олим Дўстқул Ботиров 60 ёшга тўлди. Устоз Ботиров институтимизда 37 йилдан буён талаба - ёшларга математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси фанларининг сиру-асорларини пухта, беғараз ўргатиб келмоқда.

Олимнинг ҳаёт йўли

бугунги кун ёшлари учун андоза вазифасини ўтай олади: У 1955 йил 10 апрелда Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Равот қишлоғида инженер - механик оиласида туғилди. 1962-1972 йилларда шу тумандаги 15-ўрта мактабни тугатиб, 1973 йилда А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг «Механика - математика» факультетига ўқишга кириди ва уни 1978 йилда битирди. Шу йилнинг ўзида Жиззах Давлат педагогика институтининг математика факультети олий математика кафедрасида иш бошлади. Институт, факультет ва кафедралари соғлом муҳит, талабалар билан олиб борилган бетиним ижодий изланишлар, илмга чанқоқлик ва унга интилиш ёш ўқитувчини 1981 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Кибернетика институтига аспирантурада таҳсил олишига сабаб бўлди. Бўлажак олимнинг мақсад сари бетўхтов интилиши, лабораторияларда узоқ ўтириб мутоала мушоҳада қилиши, ўқиб-ўрганиши ўз самарасини берди ва Дўстқул Ботиров 1984 йил «Давлат-ташхис ва башорат қилиш жараёнини оптимал бошқаришга автоматлаштирилган тизимлар қуриш ва ундан фойдаланиш принциплари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1987 йилдан 2004 йилгача информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари кафедраси муdiri бўлиб кафедранинг бошқарди. 2004 йилдан ҳозирги вақтгача информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари кафедраси доценти сифатида ишлаб келмоқда.

Дўстқул Ботиров даставвал ўзига талабчан, ишга доим жиддий ёндашуви, талабаларга меъёр даражасида меҳрибон ва қаттиққўл, устозлар олдида таъзимда, шогирдларига беғараз устоз сифатида институт жамоаси орасида ўз ўрнига эга.

Янги ахборот технологиялари асосида ўқитишни ривожини соҳасида тинмай меҳнат қилиб келаётган бу олим миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини ёшлар онгига сингди-

ришнинг ахборотли технологияси бўйича иш олиб бораёпти.

Янгича ноанъанавий дарс ўтиш, доим янгилик сари интилиш хусусиятлари Дўстқул Ботировни ўрта, ўрта-маҳсус таълим масканларини олийгоҳ билан узвий алоқадорлигини таъминлаш ишига ўз ҳиссасини қўшишига ундади: Дўстқул Ботиров узоқ йиллар Жиззах шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактабида, сўнг Жиззах политехника институти қошидаги академик лицейда ишлаб, институтдаги янги педагогик технологияларни ўрта ва ўрта-маҳсус ўқув даргоҳларида ўқиш-ўқитиш ишларига тадбиқ этиб борди. Олим қарерда дарс ўтмасин, аввало таълим олувчиларни билим даражасини, берилган билимларни қабул қилиши ҳамда қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда дарсени муаммоли дарс сифатида ўтиб, ўқувчи ёшларни шу ўрганаётган фанига мустақил ёндашувига эришишига ҳаракат қилиб борди.

Ижодкор ўқитувчи Дўстқул Ботиров таълим методларининг самарадорлигини талаба-ёшларнинг ақлий тафаккурини ривожлантириш мезони билан белгилайди.

Дўстқул Ботиров нафақат ижодкор ўқитувчи, меҳрибон мураббий, у шу билан бирга сермаҳсул олим ҳам. Ўтган йиллар мобайнида олим 60 дан ортиқ илмий, илмий услубий мақолалар, 10 дан ортиқ услубий қўланмалар яратди.

Дўстқул Ботиров етакчи ўқитувчи, иқтидорли олим бўлибгина қолмасдан, ибратли оила бошлиғи ҳам. Умр йўлдоши Гулнора Ботирова «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳибаси, салоҳиятли устоз 4 нафар фарзанднинг отаси, меҳрибон қайинота, 5 нафар набиранинг суякли бобосидир. Фарзандларининг 4 нафари ҳам олий маълумотли бўлиб, бугунги кунда турли соҳаларда юртимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ижодкор олим, самимий дўст, меҳрибон устоз Дўстқул Ботировнинг 60 ёши билан қўтлаб, унинг педагогик фаолиятида, илмий изланишларида, барча эзгу ишларида катта ютуқлар ва муштақкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Қўтлуг ёш муборак, муҳтарам устоз!

Акбар ОТАБЕКОВ,
Фурқат АҲМЕДОВ,
информатика ва ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчилари.

Бош муҳаррир **Абдукарим ШАРИПОВ**

Ziyo chashmasi

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Тахририятга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти - 19.00
Топширилди - 18.00

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институти.

«Жиззах-принт» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Жиззах шаҳри, 130100.
Сайилжойи кўчаси,
4-уй.

Офсет усулида 6500 нусхада босилди.
Буюртма №197. Shaki-A-3.